

Жесси йигидан аранг ўзини тутиб турарди. У стулда Томнинг келишини кутиб, яллигланган оёгига дам бериб ўтирганидан хурсанд ва Томнинг «Нега йўк дерканман, албатта, хохлаган пайтда иш бошлашинг мумкин» дейишидан катта умид киларди.

Икки хафтадан буён у ёмгирли кечаларда ухламай, хам очикиб, Канзас шахридан Миссури, Тулза ва Оклахомага кўчиб юриб, охири кидирган ерини топди. Нихоят, Том хонага кириб келди. У Жессига эътибор бермагандай, шунчаки караб кўйди. Уни танимади чамаси. Аслида, Жесси Томнинг жияни эди. Тўгри, улар беш йил бир-бири билан кўришмади. Факат Том ўша илгариги Том эди. Ё Худо, нахотки у шунчалик ўзгариб кетган бўлса?

Том Брекет телефонда гаплашиб бўлиб, стулга суяниброк ўтирди. Хунук бокиб турган кичкина мовий кўзларини Жессига каратди. У илгаригидай пишик тадбиркорларга ўхшаб ўтирарди.

«Эшитаман, деди у нихоят, - мендан бирор нима хохлайдиларми?»

«Сиз мени танимадингиз чамаси, - деди Жесси. - Мен Жесси Фултон бўламан.

«А-ха» деди Брекет, бошка хеч нарса демади.

«Ха-ха, бу менман, Элла сенга салом йўллади.»

Брекет ўрнидан турди ва бурчакда ўтирган жиянига юзма-юз келди. Жесси астагина кўзгалди. Брекет бурдаланган от гўштини кўздан кечираётгандай галати караш килди, унинг кўзларида ачиниш аломати бор эди.

«Ха, ана энди ишондим, бу ростдан хам сен экансан, факат Худо хаки, бутунлай ўзгариб кетибсан.»

«Беш йил хазил гапми ахир, бунинг устига мени бир-икки боргина кўрган бўлсангиз.»

«Жуда озиб кетибсан-ку»

Жесси жим бўлиб колди. Орага сукунат чўкди. Бирдан Брекет жонланиб «Нимага каккайиб турибсан, кани кел, ўтир-чи укам» деди ва Жессининг кўлини кисиб кўйди.

«Сени кўрганимдан жудаям хурсандман, шу холос, бошка хеч нарса деб ўйлама!»

«Хечкиси йўк» мингиллади Жесси ва секингина жойига ўтирди.

«Нимага оксоклаяпсан?»

«Тошга каттик кокилиб кетдим; туфлимни хам йиртиб олдим.»

У оёгини стул остига яширди, туфлисининг йиртиклигидан уялиб кетди. Эрталабдан бери бирор ишни бошлашдан аввал туфли сотиб олишни ўйлаб ўтирувди.

Брекет унинг туфлисига каради. У боланинг ахволини тушунди ва рахми келиб кетди. Бу холни умрида биринчи марта кўриб туриши эди. Синглиси унга хар хафта хат ёзиб турган бўлса-да, лекин бирор марта шунчалик ёмон ахволда яшаётганини айтган эмасди.

«Яхши, менга кулок сол, - гап бошлади Брекет, - кани, менга хаммасини айтиб бер-чи, Элланинг ахволи калай?»

«О, у жудаям яхши» дархол жавоб килди Жесси.

«Болалари-чи?»

«Улар хам ёмон эмас»

«ўзинг-чи? ўзинг нима иш килаяпсан? Ишинг нима буляпти?»

Жесси худди шу саволни кутиб турган эди:

«Том, эшит, сенинг олдинга маслахатга келдим. Ёрдамингга мухтожман»

Брекет инграб юборди. У Жессининг шундай дейишини биларди, шу боис дархол жавоб берди: «Кўлимдан келмайди. Хафтасига бор-йўги 35 оламан холос.»

«Биламан, - деди Жесси, - биламан, сен бизга пул беролмайсан. Лекин биз сенинг кўлингда ишлайдиган киши билан гаплашдик. У шахримизга келган экан. ўша одам менга иш топиб бера олишингни айтди.»

Брекет бакиргна бўлиб сўради: «Сен Канзас шахридан 2 хафта ичида пиёда келганинг учун иш топиб беришим керакми?»

«Бўлмаса-чи, Том, йўкса мен нима хам кила оламан?»

«Худо хакки, менда бирорта ишнинг ўзи йўк бўлса. Бунинг устига нефт иши кандай бўлишини хам билмайсан-ку.»

Жесси бўш келмади.

«Ахир ўша одам сенга хар доим ишчи кучи кераклигини айтди-ку!»

«Воей... Сен менинг бўлимимдаги ишни назарда тутяпсанми?» сўради Брекет паст овозда.

«Ха, Том, шундай!»

«Йўйўк, бўлмайди, сен бўлимимда ишлашни хохламайсан, сен бунинг канакалигини билмайсан ахир!»

«Нега билмас эканман, биламан!, - каттик туриб олди Жесси, - ўша одам сенинг диспетчер эканингни айтди-ку, сен юк машиналарини жўнатар эмишсан, шундайми?»

«Ким экан ўзи ўша одам?»

«Адашмасам, унинг оти Эверет...»

«Егберт эмасми эхтиёт, бўйи мен билан тенг» сўради Том.

«Ха-ха, Эгберт эди, Эгберт, энди эсимга тушди.

Том бармоқларини бир-бирига чалиштирди. Юзи галати тус олди. «Йўйўк, менга маъкул эмас» деди у.

Жесси бакириб юборди. У Том иш беришга рози бўлади деб ўйлаганди. «Йўйўк, - деди у ва ялинишга тушди, - бошка бирон иш йўкми?»

«Иш бор, деди Том, - Эгбертнинг иши бор!»

«У ишдан кетдими?»

«У ўлди. Иш жараёнида ўлди. ўтган кечаси тамом бўлди, агар билмокчи бўлсанг.»

«Ох! Шундай дегин...»

«Энди менга кара Жесси, сенга баъзи нарсани айтиб кўяй. Сен хайдайдиган нарса оддий нарса эмас. Бу - нитроглитсерин!

«Хабарим бор, сен мени билмайди деб ўйлама»

«Жим тур бир оз, - буюрди Брекет, - сен бир марта акса берсанг, бу нарса хама томонга учиб, бирпасда захарлайди. Биласанми уни кандай килиб олиб юришларини?»

«Мен аста-секин, эхтиёт бўлиб хайдайман», деди Жесси, - машина бошкаришни жуда яхши биламан.»

Брекет баттар бакириб берди: «Сен Эгберт эхтиёт килиб хайдамаган деб ўйлайсанми?»

«Том, - илтимос килди Жесси, - шаштимдан кайтарма, кандай бўлса хам эплейман, Эгберт 1 мил учун 1 доллар хак олишини айтди, мен хам шундай килсам бўлмайдимми?»

«Албатта, сен хам шунча олишинг мумкин. Бу айтишга оппа-осон. Факат нимага компания бунча кўп пул тўлайди деб ўйлаб кўрганмисан ўзи? Бу осон - Эгбертга ўхшаб бошинг тошга бориб урилмагунча юраверасан. Вакти келиб, машинанг билан бирга агдарилиб тушганинда биласан. Биз энди Эгбертдан унга нима бўлганлигини сўраб билолмаймиз. Бирор нарсани аниклаш учун машинаси хам энди йўк. Танаси хам холмади. Хеч вако йўк! Ха йўк! Энди тушунгандирсан?»

Орага бир оз сукут чўкди. Жесси узун орик кўлларини чалиштириб ўтирарди. У кўзини

юмди-да, мулойим овозда «Хеч нарсага ахамият бермайман, Том, сен менга бир яхшилик килиб, иш берсанг бўлди», дея ўтинди.

Брекет кўлини столга карсиллатиб урди. «Йўк!»

«Мени эшит, Том, - давом этди Жесси, - нега мени тушунмайсан?» У кўзини очди. Улар жикка ёшга тўлган эди. «Менга кара, мен энди ортик бундай яшолмайман. Агар кўчада тентираб юраверадиган бўлсам, уйда очимиздан ўламиз, Том.»

«Ундай бўлса, сен менга айтишинг керак, - бакирди Брекет, - эркак киши оиласи оч турганда, сохта гурур билан бемалол юришга хечам хакки йўк! Мен озрок карз оламан ва биз уни Эллага жўнатамиз.»

«Ундан кейин-чи?»

«Кейинми, кейин озрок кутишга тўгри келади. Ёш бола эмассан, хаётдан тўйдим деб айтишга-да хаккинг йўк. Албатта, бир кунмас бир кун иш хам топасан.

«Йўк!,- деди Жесси ўрнидан сапчиб, - йўк, мен хам шунга ишонардим, лекин энди бундай кутиб ўтиролмаيمان. Сен бошимни кўтариб юришимга кўмаклаш. Ёки яна 5-6 йил кутиб ўтиради деб ўйлаяпсанми?»

Брекет ўрнидан турди. «Хўп, шундай деб хам ўйлайлик. Сен нима, ўзингча Эллани ўйлаяпман дейсан. Килаётган ишинг унга ёқади деб ўйлайсан шекилли. Мабодо бир кори хол бўлса-чи?»

«Балки менинг бахтим кулиб бокар», - ўзини оклади Жесси.

«Афсуски хамма шундай деб ўйлайди, - тўнгиллади Том нафрат билан. - Бу ишни бошлаганингдан кейин эса, ўз-ўзидан омад сўрок белгисига айланади-кўяди. Аниги шуки, эртами-кечми барибир ўласан.»

«Шундай бўлса хам майли, - дархол жавоб килди Жесси. ўлдирса ўлдирибди-да! Ахир унгача нимагадир эга бўламан-ку. ўзимга туфли сотиб оламан, болаларга канд-курс дегандай. ўзимнинг хам корним тўйиб юради. Хар кун бир марта бўлса хам озрок пиво ичиб турарман. Эллага яхши кийимлар олиб беришни хохлайман. Оилам билан кинога боришни истайман...»

Брекет яна жойига ўтирди. «Бўлди, бас кил!»,-деди у.

«Йўк,-давом этди Жесси, - менадан асти кутила олмайсан. Эшит, Том, ўйлаб кўр, агар 3 ой ишласам, минг доллардан ошиқ пул ишлар эканман. Ким билсин, балки мен бундан кўпроқ яшарман. Эллани хам оёкка тургизарман.»

«Нимага бундай деб айтяпсан?- карши чикди Брекет, -ўйлашимча, сен жудаям бахтиёр бўлмокчисан-а? Хар дакика, юрганигда, ётганигда тинчинг бўлмайди ахмок, юрагингни ховучлаб эртага ўламанмикин, деб турасан-ку. Энг ёмони хордик кунларида ишламай ётганигда билинади. Бу кунлардаги асаб какшашини ким ортга кайтариб берарди сенга? Кандай килиб бахтиёр бўлишинг мумкин-а?»

Жесси илжайди. «Мен албатта бахтли бўламан! Сен ташвишланмай кўявер. Шунчалик бахтиёр бўламанки... Том, факат... мен хам бошимни кўтариб яшасам бўлди»,-деди у.

«Э-е, бўлди кил энди»,-жеркиди яна Брекет.

Болакай жим бўлди. Озрокдан кейин унинг пичирлагани эшитилди: «Том, ўтинаман, ундай дема. Том, ёрдам бер... Том, мени ташлаб кўйма...»

Орага кайта жимлик чўкди. Брекет икки кўлини бошига кўтарган холда кафтларини чаккасига каттик босиб турарди.

«Том, Том», - ялинди Жесси.

Брекет индамади. Ва ниҳоят «Хай, майли!», деди у, - «Сен айтганча бўлаколсин.

Худонинг ўзи мадад берсин сенга.» Унинг овози зўрга эшитилди. «Агар бугун кечаси

хайдайман десанг, майли, бугундан бошлайкол.»

Жесси индамади. Аникроги, у хеч нима деёлмасди. Брекет унга каради. Шашкатор ёшлар Жессининг юзига окиб тушмокда эди.

Брекет туришга шайланаркан «Ишим кўп, майли» деб айтди.

Жесси аста юриб ташкарига чикди. Юрагида кандайдир тасвирлаш кийин булган кувонч гимирлади. «Мен дунёдаги энг бахтли одамман», пичирлади у ўзига-ўзи. «Мен бутун ер юзидаги энг бахтиёр кишиман.»

Инглиз тилидан Аъзам Обидов таржима килди